



Crescentrating томонидан чоп этилган сўров натижаларига кўра, Малайзия дунёда мусулмон саёхатчилар учун энг кулай жойга айланди, ўсиб бораётган бозорда кўпроқ пул ишлаб топишга интилаётган Япония эса ушбу сохада энг катта ўсиш намоён этди. Малайзия ортидан «халол» кулай дам олиш жойлари рейтингида БАА, Туркия, Индонезия ва Саудия Арабистони ўрин олди. Мусулмонлар дам олиши учун энг кулай мамлакатлар ўнлиги куйидаги кўринишга эга бўлди:

1. Малайзия
2. БАА
3. Туркия
4. Индонезия
5. Саудия Арабистони
6. Сингапур
7. Марокаш
8. Иордания
9. Катар
10. Тунис

Тадқиқот мусулмон саёхатчиларнинг эҳтиёжларига, шу жумладан халол ресторанларнинг мавжудлигига ва аэропортларда, харид қилиш марказларида ва меҳмонхоналарда намоз ўқиш учун ажратилган хоналарни тақдим этишга қаратилган. "Хозирги кунда ушбу сайёхлик сегментини ривожлантириш ва ўз хизматларини мусулмон саёхатчиларининг диний эҳтиёжларига мослаштиришдан манфаатдор бўлган мамлакатлар сони ортиб бормоқда", - деди Crescentrating раҳбари Фазал Бахардин. Аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган Малайзия учун, Бахардин фикрига кўра, мамлакат ислом туризми маркази "мусулмон саёхатчилар кўнглига ёқиш учун ушбу йўналишда саноатни ривожлантиришда давом этмоқда". "Хозирги кунда халол сертификатларга эга бўлган ресторанлар тобора кўплаб очилмоқда, кўплаб меҳмонхоналар мусулмон саёхатчиларининг ўзига хос эҳтиёжларини қондиришга қаратилган", - дея кўшимча қилди у. - Меҳмонхоналардан бирида хаттоки эркаклар ва аёллар учун спорт зали ва ховуздан алоҳида фойдаланиш имконияти

мавжуд".

Мусулмон сайёхлик бозори ўтган йили 140 миллиард долларга бахоланди, бу умумжаҳон бозори ҳажмининг деярли 13 фоизини ташкил этади. 2020 йилга келиб, у 200 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Япония 60 мамлакатдан иборат рейтингда 40-ўринни эгаллади - ўтган йилга нисбатан ўнта позиция юкорилади, бу эса уни ушбу ишда энг "илгор" килиб кўйди.

Япония мамлакат бўйлаб мусулмонлар учун йўлқўрсакичдан тортиб аэропортларда намоз ўқиш учун хоналар билан таъминлашга қадар бўлган бир қатор ташаббусларни бошлади.

Жаҳон рейтингда олтинчи ўринни эгаллаган Сингапур топ-10да ягона мусулмон бўлмаган мамлакат бўлди.

Кичик орол давлати ўзининг инсоний диққатга сазовор жойларини, кенг доирадаги маҳаллий озик-овқат маҳсулотларини ва саёхатчилар учун поклик ва тартиб нуфузини тарғиб қилади ва ислом динига эътиқод қиладиганлар учун "баъзи мусулмон мамлакатлардан ҳам яхши хизматларни тақдим этади", - деди Бахардин.

Рейтингда сўнги ўринларни Италия, Бельгия, Ирландия ва Мексика эгаллади.

AlArabiya

Абу Муслим таржимаси